

Келишувга аралашган ёлғон ҳақида

14:00 / 25.01.2018 3725

Савол:

Мен ўзим юргизиб турган фирмани сотиб олиш учун бир аёлдан қарз сўрадим. У аёл эри билан таништирди ва эри билан келишиб фирмадаги асосий техникани унга сотдим ва шу техника устидан икки ой “сухой” ва икки ойдан сўнг “выкуп” ижарага келишдик. Лекин ёзма тилхат фақат “сухой ижара” га ёзилган эди. Оз муддатдан кейин, эри узоқ сафарга кетди. Мен икки ойлик “сухой ижарани” тўладим. Келишилганидек, энди “выкуп” га ишлайлик” десам, аёли “эрим “выкуп” га кўнмаяпти, фақат “сухой” экан” деди. Мен рози бўлмасамда, ноиложликдан унинг шартига кўнишга мажбур бўлдим. Ишларим орқага кетиб, ижара ҳақидан маълум сумма қарз бўлиб қолдим. Эри сафардан келгандан кейин маълум бўлдики, бу аёл ўз манфаатини ўйлаб, эрига мени “выкупга олмоқчи эмас экан” деган, менга эса “эрим выкупга бермоқчимас” деб икки томонга ҳам ёлғон ишлатган.

1) Илк келишувимиздаги 2 ой “сухой” дан ташқари тўланган пул улар учун ҳалолми?

2) Алдовли келишувдаги қолган пулни тўлашга мажбурманми?

Жавоб:

[Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

1) Илк келишувдаги 2 ой “сухой” дан ташқари тўланган пул улар учун ҳалол эмас.

2) Алдовли келишувдаги қолган пулни тўлашга мажбурмасиз.